

امم اولك سانللا اهي اى) ملس و هيلع هللا ىلص هللا لوسر دنع ةيآلا هذه تيلا
نأ هللا عدا هللا لوسراي لاقف صاقو يبا نب دعس ماقف (ابيط الالح ضرألا ي
بطأ دعس اى ملس و هيلع هللا ىلص يبنللا هل لاقف ةوعدلا باحتسم ينلرعج
ةمقللا فذقيلا دبعللا نإ هديب دمحم سفن يذلاو ةوعدلا باحتسم نكت كمعطم
نم همحل تبب دبعا موي او اموي نيبرأ لمع هنم لبقتي ام هفوج يف مارجلا
هب ىلوا رانلاف ابرلاو تحسلا

Яъни, ушбу оят: "Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини энглар" Расулulloҳ с.а.в. ҳузурларида тиловат қилинганда, Саъд ибн Абу Ваққос р.а. ўринларидан туриб: "Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга мени дуоси ижобат бўлувчи (бандалардан) қилишини дуо қилинг", деди. Пайғамбар с.а.в. унга: Эй Саъд, луқмангни покла, дуоси ижобат бўлувчилардан бўласан, менинг жоним унинг қўлида бўлган зотга қасамки, албатта банда қорнига ҳаром луқма ташласа, унинг қирқ кунлик амали қабул қилинмайди ва қайси банданинг гўшти (яъни танаси) ҳаром ва рибодан ўсса, унга дўзах ҳақлидир, дедилар.

Ибодатимиз ва дуоларимизнинг қабул бўлиши истеъмол қилаётган таомимизга боғлиқдир. Ҳаром истеъмол қилувчи ароқхўр ва гиёҳвандларнинг қирқ кунлик ибодат ва дуолари қабул бўлмай турар экан. Бу нақадар катта мусибат. Аслида мўминнинг бир кунлик, бир лаҳзалик ибодатининг қабул бўлмаслигининг ўзи катта мусибатдир.

Чунки Аллоҳ таоло пок нарса истеъмол қилишни амал қилишга буюришдан олдин келтирган:

51: نونمؤملاّ اّحلاص اولمعاو تابيطللا نمؤلّك

Яъни, "Пок нарсалардан энглар ва солиҳ амаллар қилинглар"

Ушбу оятда солиҳ амал қилишдан олдин ейдиган луқмамизнинг пок бўлишига буюриляпмиз.

Ер юзида ейиладиган нарсаларнинг бир нави наботат яъни, ўсимлик ҳисобланади. Булардан инсоннинг соғлиги ва ақлига зарар берадигани ҳалол саналмайди.

Наркота, наша, хамр ва гиёҳвандликка ўхшаш ақлни кетказадиганлар ва захар каби ҳаётни кетказадиганлар динимизда ҳаром саналади.

Қуръони каримда бу ҳақида шундай дейилган;

моддалар билан тижорат қилувчилар одамларнинг жонини сотишяпти, бу иккиси ҳам ўта катта гуноҳ саналади.

Гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчилар ўзларининг бу қилмишларига қарши чиқувчиларни йўқ қилишга молларини сарфлаб бўлсалар ҳам тайёрдилар.

Шунинг учун шариатимиз уларнинг ушбу қилмишлари яъни, ер юзида фасод қилаётганликлари сабабли уларни қуйидаги оятнинг таҳтига дохил қилади:

وَأُولَئِكَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْسِلُونَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْسِلُونَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْسِلُونَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ
يَفُوزُونَ بِهِمْ وَيَسْلُبُ أَمْوَالَهُمْ بِغَيْرِ حَقٍّ وَأُولَئِكَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْسِلُونَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ
مُضِلِّينَ سُبُلَ اللَّهِ بِغَيْرِ حَقٍّ وَأُولَئِكَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ وَالَّذِينَ هُمْ يُرْسِلُونَ فِي نَأْسٍ مُّسِيئَةٍ

Яъни, "Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига қарши уруш қилувчилар, ер юзида фасод қилувчиларнинг жазоси, албатта, ўлдирилмоқлари ёки осилмоқлари ёхуд қўл-оёқлари қарама-қарши томондан кесилмоғи ёки ер юзида сургун қилинмоқларидир. Бу (нарс) уларга бу дунёда ор бўлур. Охиратда эса, уларга улкан азоб бор". Моида-33

Демак улар бу хорликдан дунёда ҳам, охиратда ҳам қутила олмас эканлар. Демак бу билан касб қилишлик ҳаром, унинг таъсирида қилинган ибодатлар мақбул бўлмас, унинг фойдасидан савоб умид қилиб садақа қилиб бўлмайди ва унинг топган пуллари хайрли ишларга сарфлашга ярамайди.

Улар ўзларича гўёки садақа қилиб турса топган моллари пок бўлади, деб ўзларини алдашади.

رَهْطٌ نَمَكٌ نَاكٌ عَاظٌ فِي مَارْحَلٍ نَمَقٌ فَنَأْمٌ نَمَقٌ هَلَلٌ يَضُرُّ رِوْثَلَا نَايْفَسٌ لِقَا
إِلْهَرَفَكِي أَلْبَنَدَلَاو، أَمَلَا إِلْهَرَهْطِي أَلْسَجْنَلَا بَوْثَلَاو، لَوْبَلَابٌ سَجْنَلَا بَوْثَلَا
لِلْحَلَا

Яъни, Суфён Саврий р.а. айтадилар: Ким Аллоҳнинг тоатига ҳаром нарсани инфоқ қилса, гўёки нажас теккан кийимни бавл билан поклабди. Нажосат теккан кийим сув билан поклангани каби гуноҳлар ҳам ҳалол нарса билан покланади.

Аллоҳ таоло бундай ақлни олувчи иллатларни шайтоннинг амалидан деб мўмин бандаларини ундан қайтарган:

نَاطِيَّ شَلَلِ مَعْنَمٌ سَجْرُ مَالِ زَالٍ أَوْ بَاصِنَّ أَلِ أَوْ رَسِيَّ مَلِ أَوْ رَمَّخِ لِمَنَّ إِي أَوْ نَمَّ آ نِي دَّالِ أَاهِيَّ أَيْ
وَادَّعَى لِمُكَّنَّ يَبَّ عَقُ وُيَّ نَأَّ نَاطِيَّ شَلَلِ أَيْ دِي رِيَّ أَمَّنَّ إِي (90) نَوحِ لِفُتَّ مُكَّنَّ لَعَلَّ هُوَّ بَنَّ تَجَّ آ ف
مُتَّنَّ أَلَّ هَفَّ أَلَّ صَلَّ نَعَّ وَهَلَّ لَزَكَّ ذَنْعُ مُكَّنَّ دُصِّيَّ وَرَسِيَّ مَلِ أَوْ رَمَّخِ لِمَنَّ إِي فَعَّضَّ عَبَّ لَ أَوْ
91 نَوَّهَتْ نُمَّ

Яъни, "Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз. Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайди. Энди тўхтарсизлар?!"
Моида 90-91

Мазкур оятда хамр (ароқ) бут билан ёнма-ён келди. Бут шариатда ширк ҳисобланади. Ҳадис шарифда шундай дейилган:

-: مَلَسُو هَلَلِ يَلِصَّ - هَلَلِ أَلِ وُسْرَ لَاقٍ: لَاقِ أَمْ هُنَّ عُلَّ لَلِ يَضْرِبُ سَابَعِ نَبَأِ نَع
دَمَّحُ أَوْ. «نَنْتَ وَدِبَاعُكَ هَلَلِ يَلِ يَلِ قَلَّ تَامُ نَ إِي رَمَّخِ لِمَنَّ أَمُّ»

Яъни, Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинади: Расулulloҳ с.а.в. дедилар: "Хамр (ароқ)га берилган агар ўлса, Аллоҳга бутга сиғинувчи каби йўлиқади".
Оятда хамрни "рижс" яъни, ифлослик, қабоҳат деб келтирди.
Бу билан кифояланмасдан, шайтоннинг ишидир дейилди. Шайтоннинг иши фаҳш ва мункар иш эканини яхши биламиз.

21: رَوْنِ لَ رِكْنِ مَلِ أَوْ آ شَحْفِ لَ أَبِ رُمَّيَّ هُنَّ إِي فِ نَاطِيَّ شَلَلِ تَ أَوْ طَخَّ عَبَّ تَيَّ نَمَّ وَ

Яъни, "Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта, у фоҳиша ва мункарга буюради"
Давомида эса, Бас, ундан четда бўлинг, бошқа тарафда тулинг дейилди.
Яъни, ҳаром бўлди, деб қўя қолмади.
Сўнгра, булардан сақланиш нажот эканлигини айтиб, "Шоядки, нажот топсангиз", деди.
Баъзилар дорилик учун ичамиз деб ўзларини алдаб, хотиржам бўлишади.

أَهْوَ عَاهَانَفَ، رَمَّخِ لِمَنَّ نَعَّ يَبَّ لَلِ أَسَّ يَّ فِ عُجَّ لَ أَيْ وُسَّ نَبَّ قَرَّاطِ نَأَّ: رُحَّ نَبَّ لَلِ أَوْ نَعَّ

عَطَتْ سَيِّمَ لَنْ إِفْ، لَعَفَ فَيَلَفَ وَدَيِّبُ هَرِّيْ عِيْ نَأْ عَاطَتْ سِإِنَ إِفْ أَرْكَنُ مُمْ كُنْ م
نَ أَمِّي إِلْ أَوْضَ أَلْ كَلْ دَوِّوْ هَبْ لَقَبَ فَعَطَتْ سَيِّمَ لَنْ إِفْ، هَوْنَ أَسْ لَبَ ف

Абу Саид ал Худрий р.а. айтадилар: "Мен Расулуллоҳ с.а.в.ни: "сизлардан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан ўзгантиришга қодир бўлса қилсин, агар қодир бўлмаса, тили билан (ўзгартирсин), агар қодир бўлмаса, қалби билан (шу ишни ёмон кўрсин) ва бу иймоннинг заифидир", деб айтаётганини эшитдим", деди.

Демак уммат, жамият учун зарар бўладиган бундай ишларни олдини олишда, унга қарши курашишда ҳамма, катта-ю, кичик, эркагу-аёл, ёшу-қари, амалдору-оддий ишчи, ўқитувчию-ўқувчи, хуллас ҳамма, айниқса биз мусулмонлар биринчи сафда бўлишимиз керак.

Сидиқметов Қудратуллоҳ
Кўкалдош мадрасаси мударриси